

ЁҒ-МОЙ МАҲСУЛОТЛАРИ ҲИСОБИНИНГ НАЗАРИЙ АСОСЛАРИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ

Боронов Бобур Фарходович

Самарқанд иқтисодиёт ва сервис интитуту докторанти, и.ф.ф.д (PhD), E-mail: bobur-boronov@mail.ru, <https://orcid.org/0000-0002-2597-4755>

IMPROVEMENT OF THEORETICAL BASIS FOR ACCOUNTING OF OIL AND FAT PRODUCTS

Boronov Bobur Farkhodovich

Doctoral student of Samarkand institute of economics and service, PhD, E-mail: bobur-boronov@mail.ru, <https://orcid.org/0000-0002-2597-4755>

JEL Classification: M1,M4,M41

Аннотация: Мақолада ёғ-мой маҳсулотларининг моҳияти, озиқ-овқат маҳсулотлари таркибидаги аҳамияти очиб берилган бўлиб, норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар, хорижий ва маҳаллий олимлар томонидан ҳамда ахборот манбаларида озиқ-овқат ва бошқа тайёр маҳсулотлар бўйича берилган таъриф ва тавсифлар таҳлил қилинган. Таҳлиллар натижасида тайёр маҳсулотлар, хусусан ёғ-мой саноати маҳсулотлари ҳисобланадиган асосий маҳсулотлар, ёндош маҳсулотлар ва ёрдамчи маҳсулот турларига, шунингдек тайёр маҳсулотларнинг мақсади бўйича муаллифлик таърифлари ишлаб чиқилган. Ёғ-мой маҳсулотлари ишлаб чиқариши корхоналарида уч қисмга ажратилиши тавсия этилган тайёр маҳсулотларнинг таркиби ажратилган ҳолда келтирилган. Хўжалик юритувчи субъектларда тайёр маҳсулотларнинг назарий асосларининг таркиби тавсия этилган. Тайёр маҳсулотларнинг назарий асосларининг тавсия этилган компонентларининг таркибий қисмлари ажратилиб кўрсатилган. Ёғ-мой маҳсулотларининг

бухгалтерия ҳисоби объекти сифатидаги вазифалари белгилаб берилган. Шунингдек, корхоналарда ишлаб чиқариладиган ёғ-мой маҳсулотларининг таркибий қисмлари ва таснифий асослари тавсия этилган. Ушбу таснифий асосларда ёғ-мой саноати маҳсулотларининг турли белгилари, жумладан турларига кўра, таснифий белгиларига кўра ажратилган шакллари келтирилган бўлиб, уларнинг тавсифи ва таркиби ёритилган. Олиб борилган тадқиқотлар давомида, ёғ-мой маҳсулотларини қайта ишлаб чиқарилиши натижаси бўйича айрим белгилари бўйича таснифлаш масалалари ҳам келтирилган. Ушбу таснифий асосларда ёғ-мой маҳсулотларининг ҳар бир тури бўйича асосий, ёндош ва ёрдамчи маҳсулотларга ажратилган ҳолда уларнинг навлари, озиқ ва ноозиқ овқат маҳсулот турлари, шунингдек ёғ-мой маҳсулотларининг навлари бўйича таснифи ишлаб чиқилган. Илмий ишнинг хулосалар қисмида хўжалик юритувчи субъектларда ёғ-мой маҳсулотлари ҳисобини ташкил этиш, тайёр маҳсулотлар ҳисоби ва назарий

асосларини, шунингдек ёғ-мой маҳсулотларининг таснифий асосларини такомиллаштириши бўйича илмий таклиф ва тавсиялар берилган. Ҳамда тайёр маҳсулотлар ҳисобининг назарий асосларини такомиллаштириши бўйича ишлаб чиқилган таклиф ва тавсияларимиз хўжалик юритувчи субъектларда тайёр маҳсулотлар ҳисобини халқаро стандартлар талабларига

Abstract. *The article reveals the essence of oil-oil products, their importance in the composition of food products, and analyzes the definitions and descriptions of food and other ready-made products given by regulatory legal documents, foreign and local scientists, and information sources. As a result of the analysis, author's definitions were developed for finished products, in particular, the main products, by-products and auxiliary products, which are products of the oil industry, as well as the purpose of finished products. The composition of the finished products, which are recommended to be divided into three parts in oil-oil products production enterprises, is listed separately. The composition of the theoretical basis of finished products in economic entities is recommended. The components of the recommended components of the theoretical basis of finished products are shown separately. The functions of oil products as an accounting object are defined. Also, components and classification bases of oil products produced in enterprises are recommended. In these classification bases, various signs of the products of the oil-oil industry, including the forms separated according to their types and according to their classification signs, are given, and their description and composition are explained. In the course of the conducted researches, the issues of*

уйғунлаштиришига кўмаклашиб, ёғ-мой маҳсулотлари ишлаб чиқариши корхоналари фаолиятини таҳлил қилишида, ҳисоб олдидаги муаммоларини ҳал этишида ёрдам беради.

Калит сўзлар. *тайёр маҳсулот, ёғ-мой маҳсулотлари, асосий маҳсулот, ёндош маҳсулот, молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартлари, бухгалтерия ҳисоби миллий стандартлари.*

classification of oil-oil products according to some characteristics as a result of re-production are also presented. Based on these classification principles, a classification of oil products by their types, types of food and non-food products, as well as types of oil products has been developed, dividing them into main, auxiliary and auxiliary products. In the conclusion part of the scientific work, scientific suggestions and recommendations are given for the organization of oil-oil products accounting in economic entities, the calculation and theoretical bases of finished products, as well as the classification bases of oil-oil products. Also, our suggestions and recommendations developed for improving the theoretical basis of accounting for finished products will help harmonize the accounting of finished products in economic entities with the requirements of international standards, and help in analyzing the activities of oil-oil products production enterprises and solving their accounting problems. Also, our suggestions and recommendations developed for improving the theoretical basis of accounting for finished products will help harmonize the accounting of finished products in economic entities with the requirements of international standards, and help in analyzing the activities of oil-oil

products production enterprises and solving their accounting problems.

Key words. finished product, oil

Кириш. Мамлакатимиз Президентининг “Қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини чуқур қайта ишлаш ва озиқ-овқат саноатини янада ривожлантириш бўйича кўшимча чоратadbирлар тўғрисида”ги Қарори [4] тасдиқланди. Ушбу Қарорда кўзда тутилган асосий мақсад мамлакатда замон талаблари ва стандартларга тўлиқ мос келадиган қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини ишлаб чиқариш салоҳиятини ошириш, озиқ-овқат саноатини тубдан ислоҳ қилиш ва уларнинг инвестицион жозибадорлигини ошириш, шунингдек озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқарадиган корхоналарни замонавий техника ва асбоб-ускуналар билан таъминлаш, уларга ушбу жабҳаларда кўмаклашиш бўлиб ҳисобланади.

Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан қабул қилинган “2022 – 2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида”ги Фармонида “Миллий иқтисодий жадвал ривожлантириш ва юқори ўсиш суръатларини таъминлаш” мақсадида экспорт таркибида тайёр ва ярим тайёр маҳсулотлар ҳажмини 3,3 баравар кўпайтириб, Европа давлатларига GSP+ тизими доирасида тайёр маҳсулотлар экспортини кенгайтириш вазифаси кўйилган [1].

Мамлакатимиз корхоналарида бу каби долзарб муаммо ва вазифаларни ҳал қилиш, бугунги кунда, тайёр маҳсулотлар ҳисобининг нафақат амалий, балки назарий масалаларини ҳам такомиллаштиришга эҳтиёж сезади.

and fat products, main product, by-product, international standards of financial reporting, national accounting standards.

Материал ва методлар. Тадқиқот давомида норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар, халқаро ва миллий стандартлар ҳамда хорижий ва маҳаллий адабиётлар ўрганиб чиқилганда маҳсулотлар, жумладан ёғ-мой маҳсулотлари атамаларига турлича ёндашувлар қилиниб, таъриф ва тавсифлар берилганлигига гувоҳ бўлиш мумкин.

Ўзбекистон Республикаси 4-сонли бухгалтерия ҳисобининг миллий стандартида қуйидагича таърифлар келтирилган: “Товар-моддий захиралар – фаолият юритиш жараёнида кейинчалик сотиш мақсадида сақлаб туриладиган ва ишлаб чиқариш жараёнида бўлган, шунингдек, маҳсулот ишлаб чиқариш, ишларни бажариш ёки хизматлар кўрсатиш жараёнида ёхуд маъмурий ва ижтимоий-маданий вазифаларни амалга ошириш учун фойдаланиладиган моддий активлар” [6].

Мамлакатимизнинг иқтисодчи олимларидан К.С.Исмаилов ва А.Б.Утемуратовларнинг фикрича, “Тайёр маҳсулот – бу ишлаб чиқариш жараёнининг натижаси. Ишлаб чиқариш корхоналарида меҳнат маҳсулотига ҳамма ишлаб чиқарилган тайёр маҳсулот киради” [7].

2-сон (IAS) “Захиралар” номли бухгалтерия ҳисобининг халқаро стандартида товар-моддий захиралар атамасига қуйидагича таъриф келтирилган: “Товар-моддий захиралар – бу одатдаги фаолият доирасида сотиш учун мўлжалланган, бундай сотиш учун ишлаб чиқариш жараёнида бўлган, ёки ишлаб чиқариш жараёнида ёки хизматлар кўрсатилишида фойдаланилиши

кўзланган хом ашё ва материаллар кўринишидаги активлар” [5].

Россиянинг Молия Университетининг “Ҳисоб, таҳлил, ва аудит” кафедраси профессори Светлана Николаевнанинг таъкидлашича, “Тайёр маҳсулот – бу корхонада ишлаб чиқариш жараёни тўлиқ тугалланган, стандарт талабларига ва техник шартларига жавоб берадиган, техник назорат хизмати томонидан қабул қилинган, қабул қилиш-топшириш ҳужжатлари билан расмийлаштирилган ва тайёр маҳсулотлар омборига топширилган маҳсулот” [8].

Маҳсулот – иқтисодий фаолиятнинг ашёлар ва хизматларда мужассам этилган натижаси. Унинг моддий-буюм шакли моддий маҳсулот кўринишига эга [10].

Тайёр маҳсулот (Finished Goods) – ишлаб чиқариш жараёнидан ўтган ёки қайта сотиш мақсадида сотиб олинган ҳамда компаниянинг эгалигида бўлган, бироқ ҳали сотилмаган товарлар [11]. Ушбу таърифда тайёр маҳсулот, вақтинча корхонанинг тасарруфида бўлган ва сотишга тайёр ҳолатда турган маҳсулот, деб ёндашилган.

Тайёр маҳсулотлар (Finished Goods) – ишлаб чиқариш корхоналарига хос бўлган инвентар тоифаси. Улар ишлаб чиқариш жараёнини тугатган, лекин ҳали сотилмаган ёки сотувчиларга тарқатилмаган маҳсулотдир [12].

Тайёр маҳсулотлар – бу технологик жараёнларнинг барча босқичларини ўтган ва белгиланган талабларга (буюртмачи, давлат стандартлари, техник шартлар) жавоб берадиган маҳсулотлар. У турлари, навлари ва сақлаш жойлари бўйича реал ва таннарх кўрсаткичлари бўйича ҳисобга олинади. Қабул қилинган ҳисоб сиёсатига қараб, тайёр маҳсулотлар

ҳақиқий ишлаб чиқариш таннархида ёки ҳисоб-китоб баҳосида ҳисобга олинishi мумкин [13].

Энди эса, мамлакатимизнинг меъёрий ҳужжатларида ёғ-мой маҳсулотлари бўйича берилган таърифларга тўхталиб ўтамиз.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Ёғ-мой маҳсулотларининг хавфсизлиги тўғрисидаги умумий техник регламентни тасдиқлаш ҳақида”ги Қарорида ёғ-мой маҳсулотлари бўйича атамаларга қуйидагича таърифлар келтирилган:

“ёғ-мой маҳсулотлари – ўсимлик мойлари ёки ўсимлик мойлари ҳамда ҳайвон мойлари ва ёғлари асосида (денгиз сут эмизувчилари ва балиқ мойларини ҳисобга олганда) озуқавий қўшимчалар ва бошқа ингредиентлар, сув қўшиб ёки қўшмасдан олинган ўсимлик мойлари ва маҳсулотлар [3];

Қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ишлаб чиқарадиган корхоналарда маҳсулотлар асосий, ёндош ва ёрдамчи маҳсулотларга бўлинади:

“Асосий маҳсулот деганда қишлоқ хўжалигининг ихтисослашган соҳасини юритишда етиштирилиши бош мақсад қилиб олинган маҳсулот тури тушунилади.

Ёндош маҳсулот асосий экинлардан асосий маҳсулотлар билан бир вақтда олинади ва истеъмол хусусиятларга кўра асосий маҳсулотга ўхшаш маҳсулотдир.

Ёрдамчи маҳсулот – бу асосий маҳсулот билан бир вақтда олинadиган, аммо хусусиятига кўра иккинчи даражали маҳсулот” [9].

Натижалар. Демак, олиб борилган тадқиқотлар натижасида, адабиётларда келтирилган таъриф ва тавсифлар асосида хулоса қилиш мумкинки, тайёр маҳсулот бу корхона

томонидан мустақил ишлаб чиқарилган ва тугалланган товар бўлиб, у давлат томонидан белгиланган талабларга тўлиқ жавоб бериши ва харидорларга сотиш учун омборхонада тайёр туриши лозим бўлган маҳсулот ҳисобланади. Ишлаб чиқарувчи корхона учун тайёр маҳсулот ҳисобланган бу маҳсулот, сотиб олган корхона учун қайта ишлаб чиқариш жараёни учун мўлжалланган ва сотиб олинган товар-моддий захираси ҳисобланади.

Юқорида келтирилган хорижий ва маҳаллий олимлар томонидан берилган ҳамда ахборот манбаларида келтирилган таърифлар муҳим илмий амалий аҳамият касб этиб, тайёр маҳсулотларнинг муҳим жабҳаларини очиб беради. Лекин, ушбу таърифлардан кўриниб турибдики, маҳсулотлар, шу жумладан тайёр маҳсулотларга доир уларнинг барча хусусиятларини ўзида мужассамлаштирган ягона таъриф мавжуд эмас. Уларда маҳсулот ва тайёр маҳсулотларнинг барча жиҳатларини ўзида акс эттирадиган тавсифлар келтирилган, деб бўлмайди.

Олиб борилган тадқиқот натижалари асосида, юқорида келтирилган таъриф ва тавсифлардан қуйидаги хулосаларни қилиш мумкин:

Биринчидан, халқаро ҳисоб таълимоти ва амалиётида тайёр маҳсулотлар корхона активларининг муҳим тури, мос равишда, ҳисоб ва ҳисоботнинг муҳим объекти сифатида тан олинади.

Иккинчидан, тайёр маҳсулотларнинг бухгалтерия ҳисоби объекти эканлигига қарамасдан, унинг мазмун-моҳиятини аниқ ва атрофлича ифода этувчи яхлит бир таърифлар мавжуд эмас.

Учинчидан, тайёр маҳсулотларни таснифлаш негизида ётувчи мезонларнинг яхлит тизими ишлаб чиқилмаган, ушбу яхлит тизим халқаро стандартлар билан ҳам мустаҳкамланмаган.

Юқоридаги фикр ва мулоҳазалардан келиб чиққан ҳолда айтиш мумкинки, авваламбор, тайёр маҳсулотларнинг барча сифатларини ўзида қамраб оладиган яхлит таърифни ишлаб чиқиш ҳамда ушбу таърифни республикаимизнинг "Бухгалтерия ҳисоби тўғрисида"ги Қонуни, "Молиявий ҳисоботни тузиш ва тақдим этиш учун концептуал асос" ва "Товар-моддий захиралар" номли стандартларга киритиш лозим, деб ҳисоблаймиз. Бизнинг фикримизча, ушбу норматив-ҳуқуқий ҳужжатларда тайёр маҳсулотларга қуйидагича таъриф бериш мақсадга мувофиқ, деб ҳисоблаймиз: "**Тайёр маҳсулот** – бу корхонада ишлаб чиқариш технологик жараёнларининг барча босқичларини ўтган асосий омборга топширилган, давлат томонидан белгиланган стандартларга ва техник шартларига тўлиқ жавоб берадиган, сотиш учун мўлжалланган тез ликвидли актив".

Бизнинг фикримизча, тайёр маҳсулотларга берилган юқоридаги таъриф тайёр маҳсулотларнинг барча жиҳатларини ўзида намоён этиб, "Товар-моддий захиралар" номли 4-сон БҲМСда берилган умумий таъриф талабларига мос келади ва уни мазмунан янада бойитилишига хизмат қилади.

Бугунги кунда мамлакатимизда юритилаётган молиявий, солиқ, статистика каби ҳисобот турларида тайёр маҳсулотларни асосий, ёндош ва ёрдамчи маҳсулот турларига ажратган ҳолда акс эттириш йўлга қўйилмаган ва уларнинг таснифи ҳам ишлаб чиқилмаган. Бу эса,

амалдаги солиқ, статистика ва бошқа ҳисоботларнинг таркибини қайта кўриб чиқишни, бухгалтерия ҳисобида тайёр маҳсулотлар ҳисоби ва ҳисоботини назарий жиҳатдан такомиллаштиришни зарурият қилиб кўймоқда. Шу боис, биз, ишимизда, ёғ-мой саноатида яратилган маҳсулотларни турларга ажратган ҳолда, уларнинг таркибини белгилаб ҳисоб ва ҳисоботда акс эттиришни лозим деб топдик.

Хўш, ёғ-мой маҳсулотлари ўзи нима? Асосий, ёндош ва ёрдамчи маҳсулотлар нима? Ёғ-мой маҳсулотлари ишлаб чиқариш корхоналарида бундай маҳсулот турларига қандай ёғ-мой маҳсулотлари киради? Миллий ва халқаро таълимотда уларнинг тан олиш масалалари қандай? Амалдаги миллий стандартимизда ушбу корхона активлари бўйича нималар ёритилган ва қандай муаммолар мавжуд?

Олиб борилган тадқиқотлар натижасида аниқ бўлдики, меъёрий ҳужжатлар ҳамда иқтисодчи олимлар томонидан ёғ-мой саноати корхоналарида асосий, ёндош ва ёрдамчи маҳсулот атамаларига таърифлар ишлаб чиқилган бўлсада, бироқ улар томонидан берилган таърифларда маҳсулотларнинг ишлаб чиқаришдаги хусусиятлари тўлиқ камраб олинмаган. Шу боис, биз, тадқиқот ишимизда, иқтисодий адабиётларда келтирилган таъриф ва ёндашувларни инобатга олган ҳолда ушбу атамаларга маҳсулотларнинг барча иқтисодий ва ишлаб чиқаришдаги хусусиятларини инобатга олган ҳолда муаллифлик таърифлари ишлаб чиқишни лозим деб топдик. Демак, ёғ-мой маҳсулотлари ишлаб чиқарувчи корхоналарда:

Асосий маҳсулот – бу ёғ-мой ишлаб чиқарувчи корхоналар томонидан ишлаб чиқарилиши асосий мақсад қилиб олинган тайёр маҳсулот.

Ёндош маҳсулот – бу асосий маҳсулотни ишлаб чиқариш жараёнида ҳам ашё турига қараб, қўшимча тарзда олинадиган (яратиладиган) ҳамда ишлаб чиқаришдаги ҳажмини ҳисобга олганда асосий маҳсулот туридан қолишмайдиган тайёр маҳсулот.

Ёрдамчи маҳсулот – бу асосий ва ёндош маҳсулотларни ишлаб чиқариш жараёни натижасида пайдо бўладиган, ҳажми бошқа маҳсулотларга нисбатан паст даражада бўлган ҳамда қайта ишлаш мақсадида бошқа саноат тармоқлари (жумладан, ушбу маҳсулотни ишлаб чиқаришга ихтисослашган бошқа ёғ-мой корхоналари)га топшириладиган тайёр маҳсулот.

Биз томонимиздан ишлаб чиқилган ушбу муаллифлик таърифлари ёғ-мой маҳсулотлари ишлаб чиқарувчи корхоналарда яратилган маҳсулотларни уларнинг ишлаб чиқариш ва фойдаланишдаги хусусиятларидан келиб чиққан ҳолда таснифлашга, уларни ҳисоб ва ҳисобот шаклларида тўғри акс эттиришга, бошқарув қарорларини аниқ ва ўз вақтида қабул қилинишига кўмаклашади, деб ҳисоблаймиз.

Юқорида келтирилган таъриф ва тавсифлардан қуйидаги хулосаларга келиш мумкин:

Биринчидан, ёғ-мой маҳсулотлари – бу озиқ-овқат ва ноозик-овқат истеъмол моллари таркибига кирувчи, ёғ-мой саноати корхоналари томонидан ишлаб чиқариладиган тайёр маҳсулотлар. Мисол, ёғ-мой маҳсулотлари ишлаб чиқарувчи корхоналар томонидан ишлаб чиқариладиган асосий маҳсулот ҳисобланган тозаланган ёғ – озиқ-овқат маҳсулоти, ёндош маҳсулот ҳисобланган шрот – ноозик-овқат маҳсулотига киради.


Иккинчидан, ёғ-мой маҳсулотлари ишлаб чиқариш натижасида истеъмол қилиниши ва

яратилган тайёр маҳсулотни қайта ишлаб чиқариш мумкин бўлган уй хўжалиги, чорвачилик соҳаси, қишлоқ хўжалиги, енгил саноат ва бошқа тармоқларда фойдаланиладиган маҳсулотлар. Мисол, корхоналарда ишлаб чиқариладиган тозаланган ёғ – уй хўжалигида, шрот – чорвачилик соҳасида фойдаланиладиган маҳсулотлар ҳисобланиб, қайта ишлаб чиқариш натижасида олинadиган госсипол смоласи – қишлоқ хўжалигида, солидол – енгил саноатда, глицерин – косметика соҳасида фойдаланиладиган маҳсулотлар ҳисобланади. Демак, ёғ-мой маҳсулотлари ишлаб чиқариш жараёнининг ўзига хос хусусияти шундаки, ишлаб чиқариш натижасида яратилган тайёр маҳсулот, бошқа ишлаб

чиқариш жараёнига яна қайта топширилиб, бошқа турдаги, янги тайёр маҳсулот олинади.

Юқорида келтирилган ёғ-мой маҳсулотларининг хусусиятлари ҳамда тайёр маҳсулотларни қайта ишлаш натижасида олинган бошқа турдаги маҳсулотларни турли белгилари бўйича ажратган ҳолда ҳисоб ва ҳисобот шаклларида акс эттириш ҳисоб олдидаги муҳим вазифалардан бири ҳисобланади.

Ёғ-мой маҳсулотлари ишлаб чиқариш корхоналарида яратилган маҳсулотлар ва уларнинг таркибий қисмларини қуйида келтирилган расм кўринишида ифодалашга ҳаракат қилдик (1-расм):



1-расм. Ёғ-мой саноати корхоналарида маҳсулотларининг таркибий қисмлари¹

¹ Тадқиқотлар асосида муаллиф ишланмаси.


Мунозара. Юқорида келтирилган ёғ-мой саноати маҳсулотлари ишлаб чиқариш жараёнининг ихтисослаштирилганлигига қараб ҳамма корхоналарда ҳар хил маҳсулотлар ишлаб чиқарилади. Ишлаб чиқариш корхоналарида ёғ-мой маҳсулотларининг ушбу таркибий қисмларга ажратилган ҳолда ҳисобга олиниши тайёр маҳсулотларнинг бухгалтерия ҳисобини тўғри юритишга, харажатларни тўғри тақсимлашга ҳамда ҳисоб ва ҳисоботда шаффоф акс акс эттиришга асос бўлади.

Юқоридаги тадқиқотлар натижасида айтиш мумкинки, хорижий ҳамда мамлакатимиз олимлари томонидан тайёр маҳсулотларнинг назарий асослари етарлича ўрганилмаган, хорижий ва миллий адабиётларда тайёр маҳсулотларнинг назарий ва методологик

асосларига яхлит бир таъриф ишлаб чиқилмаган.

Бизнингча, тайёр маҳсулотларнинг назарий асослари деганда, авваламбор унинг таърифи, тавсифи, таркибий қисмлари, таснифий асослари, мақсади, вазифаси ҳамда ҳисоботларда акс эттириш усулларининг мажмуаси тушунилиши керак, деб ҳисоблаймиз. Бу эса, ўз навбатида, тайёр маҳсулотларнинг концептуал асосларини ташкил этади. Шунинг учун уларнинг назарий ҳамда концептуал асосларини ўрганиш ҳисоб олдидаги муҳим вазифалардан бири ҳисобланади.

Тадқиқот натижасида тайёр маҳсулотларнинг назарий асосларининг таркибий қисмларини қуйидаги расм орқали ифодалашга ҳаракат қилдик (2-расм):



2-расм. Тайёр маҳсулотларнинг назарий асосларининг таркибий қисмлари²

²Тадқиқотлар асосида муаллиф ишланмаси.

Тайёр маҳсулотларнинг бухгалтерия ҳисобининг ажралмас объекти сифатидаги мақсади бўлиб, корхоналарда тайёр маҳсулотларнинг таннархини аниқлаш, уларни сотиш натижасида ҳисобга олинган даромад ва харажатлар устидан назорат ўрнатиш ва ички ахборот фойдаланувчиларнинг эҳтиёжларини қондириш бўлиб ҳисобланади. Ушбу жараёнларни тўғри юритиш корхоналарда тайёр маҳсулотлар ҳисоби бўйича ички ахборот фойдаланувчилар эҳтиёжларини қондирувчи аниқ ахборотлар билан таъминланади ҳамда бошқарув қарорларини тўғри ва ўз вақтида қабул қилиш имкониятини беради. Шу боис, ёғ-мой маҳсулотлари ишлаб чиқарувчи корхоналарда тайёр маҳсулотларнинг мақсадига тўлиқ эришиш учун, авваламбор, ушбу активнинг таннархига таъсир этувчи кўрсаткичларни тўғри аниқлаш, ушбу ахборотларни бошқарув ходимларига ўз вақтида ва аниқ тарзда тақдим этиш ҳамда энг асосийси, бошқарув ходимларининг тайёр маҳсулотнинг сотиш нархини белгилаш бўйича тўғри қарорлар қабул қилишлари лозим, деб ҳисоблаймиз.

Олиб борилган тадқиқот натижаларидан келиб чиқиб, ёғ-мой маҳсулотлари ишлаб чиқариш корхоналарида тайёр маҳсулотларнинг мақсадига қуйидагича таъриф беришни лозим, деб топдик: **“Тайёр маҳсулотларнинг мақсади** – бу ёғ-мой маҳсулотлари ишлаб чиқариш корхоналарида маҳсулотларнинг таркибий қисмларга ажратган ҳолда таснифлаш, уларнинг таннархига таъсир этувчи кўрсаткичларни аниқлаш ва ҳисоблаш ҳамда бошқарув ходимларининг қарор қабул қилишлари учун зарурий ахборот билан таъминлаш”. Бу эса, бошқарув ходимлари томонидан

қабул қилинадиган қарорлар бўйича тайёр маҳсулотларнинг сотиш нархи аниқланади. Бизнинг фикримизча, юқорида қилинган тадқиқотлар ёғ-мой маҳсулотларининг мақсадини тўлиқроқ ёритишга хизмат қилиб, ички ва ташқи ахборот фойдаланувчиларнинг тайёр маҳсулотлар бўйича ахборотларга бўлган эҳтиёжларини қондиришга хизмат қилади.

Юқоридаги мақсадлардан келиб чиқиб, ёғ-мой маҳсулотлари ишлаб чиқариш корхоналарида тайёр маҳсулотларнинг бухгалтерия ҳисоби объекти сифатидаги вазифаларини белгилаб олдик:

- ёғ-мой маҳсулотлари ишлаб чиқариш корхоналарида ишлаб чиқариш жараёнининг ихтисослашганлигига қараб ишлаб чиқариладиган маҳсулот турларини аниқлаш;
- ишлаб чиқариш жараёнида қатнашадиган барча бўлимларнинг технологик вазифаларини аниқлаш;
- ҳар бир бўлимда яратиладиган маҳсулотларнинг технологик жараёнларини назорат қилиш;
- ишлаб чиқарилган маҳсулотларнинг ҳисобини бўлимлар кесимида ташкил этиш;
- маҳсулотлар ишлаб чиқариш бўйича харажатларни бухгалтерия регистрларида ўз вақтида ва аниқ расмийлаштириш;
- корхона бўлим мудирларининг ахборот ва ҳисоботларини ўз вақтида тақдим этилиши устидан назорат ўрнатиш;
- бўлимларда ишлаб чиқариш босқичидан ўтган маҳсулотларнинг таннархини ҳисоблаш;
- корхонанинг ҳисоб сиёсатида ишлаб чиқариш харажатларини ҳисобга олиш ва таннархини ҳисоблаш бўйича усулларни танлаш;
- маҳсулотларни ўз вақтида инвентаризациядан ўтказиш ва унинг натижаларини тўғри расмийлаштириш;

- инвентаризация натижасида аниқланган тафовутларга бухгалтерия ёзувларини ўз вақтида ва тўғри бериш;
- корхонада ишлаб чиқариш жараёнини тўлиқ ўтган маҳсулотларни таснифлаш;
- яратилган асосий, ёндош ва ёрдамчи маҳсулотларни тан олиш ва баҳолаш ҳамда ҳужжатларда қайд этиш;
- корхонанинг бошқарув қарорларини қабул қилувчи мансабдор шахсларига тайёр маҳсулотларга оид аниқ ахборотларни тақдим этиш;
- асосий омбор мудирининг тайёр маҳсулотлар бўйича ҳисоботини текшириш ва доимий назоратга олиш;
- омбордаги тайёр маҳсулотларнинг сотиш жараёнини ҳисоб ва ҳисобот ҳужжатларида расмийлаштириш ҳамда ўз вақтида ички ва ташқи ахборот фойдаланувчиларга тақдим этиш.

Тадқиқот давомида, биз томонимиздан тайёр маҳсулотларнинг бухгалтерия ҳисобининг асосий объектларидан бири сифатида ишлаб чиқилган ушбу вазифалар ёғ-мой маҳсулотларининг назарий асосларини яхшироқ тушунишга хизмат қилади, деб ўйлаймиз.

Ёғ-мой маҳсулотлари ишлаб чиқариш корхоналарида тайёр маҳсулотларга доир маълумотларни шакллантиришда ва ахборот фойдаланувчиларнинг эҳтиёжларини қондиришда маҳсулотларнинг таснифий асослари муҳим ўрин эгаллайди.

Ёғ-мой маҳсулотларини бошқарув дастаклари, жумладан бухгалтерия ҳисобининг муҳим ва ажралмас объектлари сифатида қандай таснифлаш ва тавсифлаш мақсадга мувофиқ? Бугунги кунда, Республикамизда тайёр маҳсулотларни таснифлаш, уларни ҳисоб ва ҳисоботда акс эттиришнинг тартиблари қайси жиҳатлари бўйича

ахборот фойдаланувчилар талабларига тўлиқ мос келмайди?

Ёғ-мой маҳсулотларининг таснифий асосларига доир бу каби саволларга жавоб топиш миллий ҳисоб олдида турган муҳим ва долзарб вазифаларидан бири ҳисобланади.

Ёғ-мой саноати корхоналарида хўжалик активлари таркибида асосий ҳиссани ташкил этадиган ёғ-мой маҳсулотларининг бухгалтерия ҳисоби объекти сифатидаги таснифий асосларини ишлаб чиқишда, авваламбор, унинг иқтисодий моҳияти ва аҳамиятини ҳисобга олиш зарур.

Тадқиқот давомида аниқ бўлдики, мамлакатимизда бухгалтерия ҳисобига доир норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ва адабиётларда ёғ-мой маҳсулотларининг таркибий қисмлари, уларнинг таснифи келтирилмаган. Бундан ташқари, республикамизда тайёр маҳсулотларни таснифлаш, уларни тан олиш ва баҳолаш тартиблари, шунингдек уларга доир ахборотларни очиқ бериш ва тақдим этишга оид махсус стандартлар тўлиқ ишлаб чиқилмаган. Тайёр маҳсулотларни таснифий асослари, уларни тан олиш, ҳисоб ва ҳисобот ахборотларини очиқлашга оид масалалар мамлакатимизда чоп этилган соҳа адабиётларида ҳам етарлича ёритилмаган. Шунинг учун, ёғ-мой ишлаб чиқариш корхоналарида тайёр маҳсулотларнинг таснифий асосларини ишлаб чиқиш мақсадга мувофиқ, деб ҳисоблаймиз. Ёғ-мой саноати корхоналарида маҳсулотларнинг таснифий асосларини қуйидаги жадвал орқали акс эттирамиз (1-жадвал):

Ёғ-мой саноати корхоналарида ишлаб чиқариладиган маҳсулотларнинг таснифий асослари³

№	Таснифлаш белгиси	Таснифлаш белгисига кўра гуруҳлари	Таснифлаш гуруҳларининг тавсифи	Гуруҳга кирувчи маҳсулотлар турлари
1	Тайёр маҳсулот турларига кўра	Асосий маҳсулот	Қишлоқ хўжалигининг ихтисослашган соҳасини юритишда етиштирилиши бош мақсад қилиб олинган маҳсулот тури.	* Пахта ёғи * Кунгабоқар ёғи * Соя ёғи * Махсар ёғи * Зиғир ёғи * Ер ёнғоқ ёғи * Аралаш ёғлар * Маккажўхори ёғи * Данак ёғлари * Майонез * Маргарин
		Ёндош маҳсулот	Асосий экинлардан асосий маҳсулотлар билан бир вақтда олинади ва истеъмол хусусиятларга кўра асосий маҳсулотга ўхшаш маҳсулот.	* Кунжара * Шрот * Шелуха
		Ёрдамчи маҳсулот	Асосий маҳсулот билан бир вақтда олинadиган, аммо хусусиятига кўра иккинчи даражали маҳсулот [9]	* Ёғ кислоталари * Глицерин * Хўжалик совуни
2	Навларига кўра	Олий навли маҳсулот	Ишлаб чиқариш жараёнида олинган, стандарт талабларига тўлиқ жавоб берадиган, энг сифатли маҳсулот.	* Барча турдаги ёғ-мой маҳсулотлари * Майонез * Маргарин
		1-навли маҳсулот	Ишлаб чиқариш жараёнида натижасида яратилган сифатли маҳсулот.	* Барча турдаги ёғ-мой маҳсулотлари * Майонез * Маргарин * Шрот
		2-навли маҳсулот	Сифатига кўра, бошқа маҳсулот турларига нисбатан салбий фарқ килувчи, стандарт талабларига тўлиқ жавоб бермайдиган маҳсулот.	* Барча турдаги ёғ-мой маҳсулотлари * Майонез * Маргарин
		Ностандарт (яроқсиз) маҳсулот	Стандарт талабларига умуман жавоб бермайдиган, ўта сифатсиз маҳсулот.	* Кунжара * Шрот
3	Истеъмол турларига кўра	Озиқ-овқат маҳсулотлари	Инсонларнинг яшаши учун зарур бўлган ва улар томонидан ҳар куни истеъмол қилинадиган маҳсулот.	* Барча турдаги ёғ-мой маҳсулотлари * Майонез * Маргарин
		Ноозиқ-овқат маҳсулотлари	Барча маҳлуқотлар учун кундалик эҳтиёжларига керак бўлган маҳсулот.	* Кунжара * Шрот * Шелуха * Ёғ кислоталари * Глицерин * Хўжалик совуни

³ Тадқиқотлар асосида муаллиф ишланмаси.

4	Асосий маҳсулотларнинг хом ашё турига кўра	Маҳаллий маҳсулот	Асосий маҳсулотларни ишлаб чиқариш хом ашёси Республика ҳудудида етиштириладиган маҳсулотлар.	* Пахта ёғи * Махсар ёғи * Зиғир ёғи
		Импорт маҳсулот	Асосий маҳсулотларни ишлаб чиқариш хом ашёсининг ўзимизда етиштириш қийин бўлганлиги учун, асосан хорижий ва ҳамдўстлик мамлакатларидан импорт қилинадиган маҳсулотлар.	* Кунгабоқар ёғи * Соя ёғи * Ер ёнғоқ ёғи * Аралаш ёғлар * Маккажўхори ёғи * Данак ёғлари * Майонез * Маргарин

Ёғ-мой саноати корхоналарида маҳсулотларни тўғри таснифлаш ушбу корхоналар фаолиятини таҳлил қилиш имконини бериб, иқтисодий самарадорлик кўрсаткичларини баҳолаш имконини беради.

Корхоналарда ёғ-мой маҳсулотлари ишлаб чиқарилаётган экан

яратилган маҳсулотлар ишлаб чиқариш цехларида қайта топширилиб бошқа турдаги ва сифат жиҳатидан бир-бирдан фарқ қилувчи маҳсулотлар яратилади. Қайта ишлаб чиқариш жараёнида яратилган бошқа турдаги маҳсулотлар сифати ва бошқа белгилари бўйича қуйидагича таснифланади (2-жадвал):

2-жадвал

Ёғ-мой маҳсулотларини қайта ишлаб чиқарилиши натижаси бўйича айрим белгилари бўйича таснифлаш⁴

Ёғ-мой маҳсулотларининг турлари	Тайёр маҳсулот турларига кўра			Навларига кўра				Истеъмол турларига кўра	
	Асосий маҳсулот	Ёндош маҳсулот	Ёрдамчи маҳсулот	Олий нав	1-нав	2-нав	Но-стандарт	Озиқ-овқат	Ноозиқ-овқат
Пахта ёғи	+			+	+	+		+	
Кунгабоқар ёғи	+			+	+	+		+	
Соя ёғи	+			+	+	+		+	
Махсар ёғи	+			+	+	+		+	
Зиғир ёғи	+			+	+	+		+	
Ер ёнғоқ ёғи	+			+	+	+		+	
Аралаш ёғлар	+			+	+	+		+	
Маккажўхори ёғи	+			+	+	+		+	
Данак ёғлари	+			+	+	+		+	
Кунжара		+			+		+		+
Шрот		+			+		+		+
Шелуха		+							+
Ёғ кислоталари			+						+
Глицерин			+						+
Хўжалик совуни			+						+
Майонез	+			+	+	+		+	
Маргарин	+			+	+			+	

⁴ Тадқиқотлар асосида муаллиф ишланмаси.

Биз томонимиздан ишлаб чиқилган ушбу танифлаш ёғ-мой маҳсулотлари ва уларнинг бошқа белгилари бўйича тушунишга имкон беради.

Хулоса. Бугунги кунда, мамлакатимизда амалга оширилаётган иқтисодий ислохотларнинг дастурларида белгиланган ҳамда Республика Президентининг 2020 йил 24 февралда қабул қилинган “Молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартларига ўтишнинг кўшимча чора-тадбирлари тўғрисида” Қарор [2] ларида кўрсатилган бухгалтерия ҳисобини халқаро стандартлар асосида юритиш вазифалари муҳим аҳамият касб этади. Қабул қилинган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга ошириш, шунингдек тайёр маҳсулотлар ҳисобининг назарий асосларини такомиллаштириш бўйича биз томонимиздан қуйидаги таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқилди:

1. “Асосий маҳсулот”, “ёндош маҳсулот” ва “ёрдамчи маҳсулот” атамаларига уларнинг ишлаб чиқариш ва фойдаланишдаги хусусиятларидан келиб чиққан ҳолда муаллифлик таърифлари ишлаб чиқилди. Биз томонимиздан ишлаб чиқилган ушбу таърифлар БҲМСда келтирилган “Товар-моддий захиралар” атамасига берилган таърифга мос келиб, ёғ-мой маҳсулотларини таснифлашга, ички ва ташқи ахборот фойдаланувчилар учун маҳсулотларни ҳисоб ва ҳисобот шаклларида реал акс эттиришга ҳамда бошқарув қарорларини аниқ ва ўз вақтида қабул қилинишига ёрдам беради, деб ўйлаймиз.

2. Ёғ-мой маҳсулотларини асосий, ёндош ва ёрдамчи маҳсулотларга

ажратган ҳолда уларнинг таркибий қисмлари ажратилиб чиқилди.

3. Тайёр маҳсулотларнинг назарий асослари ва уларнинг таркибий қисмлари белгилаб олинди ва уларга муаллифлик таърифлари берилди. Бизнинг фикримизча, тайёр маҳсулотларнинг назарий асосларининг таркибий қисмларига ушбу активларнинг таърифи, тавсифи, таснифи, мақсади ҳамда вазифалари киради, деб ҳисоблаймиз.

4. Ёғ-мой саноати корхоналарида ишлаб чиқариладиган тайёр маҳсулотларнинг турли белгилари бўйича, жумладан уларнинг турлари, навлари, истеъмол турлари ва бошқа белгиларига кўра таснифий асослари ишлаб чиқилди ҳамда уларнинг тавсифи ва таркибига кирувчи маҳсулотлар аниқланди.

Бизнинг фикримизча, тайёр маҳсулотлар ҳисобининг назарий асосларини такомиллаштириш бўйича ишлаб чиқилган ушбу таклиф ва тавсияларимиз хўжалик юритувчи субъектларда тайёр маҳсулотлар ҳисобини халқаро стандартлар талабларига ўйғунлаштиришга кўмаклашиб, ёғ-мой маҳсулотлари ишлаб чиқариш корхоналари фаолиятини таҳлил қилишда, ҳисоб олдидаги муаммоларини ҳал этишда ёрдам беради. Тайёр маҳсулотларнинг назарий асосларини такомиллаштириш бугунги кунда, ҳисоб ва ҳисобот олдида мавжуд бўлган камчиликларни бартараф этиш имкониятини беради ҳамда ички ва ташқи ахборот фойдаланувчилар учун ёғ-мой маҳсулотлари ишлаб чиқариш корхоналарини иқтисодий-молиявий томондан самарали таҳлил қилиш имконини яратади.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “2022 – 2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида”ги Фармони. 2022 йил 28 январь. ПФ-60.
2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартларига ўтиш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида” ги Қарори. 2020 йил 24 февраль. ПҚ-4611.
3. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Ёғ-мой маҳсулотларининг хавфсизлиги тўғрисидаги умумий техник регламентни тасдиқлаш ҳақида”ги Қарори. 2020 йил 17 ноябрь. 724-сон.
4. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини чуқур қайта ишлаш ва озиқ-овқат саноатини янада ривожлантириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги Қарори. 2019 йил 29 июль. ПҚ-4406.
5. 2-сон БҲХС (IAS) “Захиралар (Inventories)”.
6. 4-сон БҲМС “Товар моддий захиралар” // АВ томонидан 30.06.2020 й. 3259-сон билан рўйхатга олинган. <https://lex.uz/docs/4890446>
7. Исмаилов К.С., Утемуратов А.Б. Молиявий ҳисоб. Маъруза матни. -Т.: Иқтисод-молия. 2011. -356 б.
8. Поленова С.Н. Учёт готовой продукции: оценка, выпуск из производства, продажа // Проблемы учёта. 2007. № 23 (215).
9. Уразов К.Б. Бошқа тармоқларда бухгалтерия ҳисобининг хусусиятлари. Дарслик. Қайта ишланган ва тўлдирилган 2-нашр. Т.: “Фан ва технология”, 2019, -540 бет.
10. <https://qomus.info/encyclopedia/cat-m/mahsulot-uz/>
11. <https://www.wikiaccounting.com/accounting-finished-good/>
12. <https://www.indeed.com/career-advice/career-development/finished-goods>
13. https://buxgalter.uz/publish/doc/text146642_uchet_gotovoy_produkcii